# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

(Боши 1-бетда).

Марказий Комитетининг қарорида таъкидланишича, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини чуқур тушунтириб бериш, меҳнаткашларни КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь, декабрь ва 1984 йил февраль Пленумлари қарорларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этиш — район ва шаҳар матбуотининг бош вазифасидир.

Район ва шаҳар газеталари, деб таъкидлади КПСС Марказий Комитети,— Совет матбуоти системасидаги муҳим бўғин, партия комитетларининг район ва шаҳарларни иқтисодий, социал ва маданий ривожлантиришга сиёсий раҳбарликни амалга оширишдаги самарали қуроли, оммани коммунистик руҳда тарбиялаш ва жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг қудратли воситаси, маҳаллий турмуш ҳақидаги ахборотнинг беқиёс манбаидир.

Шаҳар ва район партия комитетлари ўз газеталарига раҳбарлик савиясини оширишлари, уларнинг фаолиятини моҳирона йўналтириб туришлари, хўжалик ва тарбия ишининг энг яхши намуналарини пропаганда қилувчи, камчиликларни очиб ташловчи материалларни актив қўллаб-қувватлашлари, бундай материалларга жавобан оператив ва амалий чоралар кўрилишига ҳаракат қилишлари лозим. Газеталарнинг танқидий материалларига нотўғри муносабатда бўлувчи мансабдор шахслардан қаттиқ жавоб талаб қилинсин. Журналист кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш иши яхшилансин. Журналистларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқтиришга ва уларнинг касб маҳоратини оширишга, уларда партиявий масъулият ва принципиаллик туйғусини тарбиялашга алоҳида эътибор берилсин, раҳбар партия ва совет ходимларининг редакция коллективлари, ишчи ва қишлоқ мухбирлари билан учрашувларини ўтказиш кенг одат тусига киритилсин, улар районлар ва шаҳарлар турмушининг энг муҳим масалаларидан хабардор қилиб турилсин. Редакциялар ва босмахоналар ходимларининг моддий-маиший шароитларини яхшилаш ҳақида доимо ғамхўрлик қилинсин.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, КПСС ўлка, область комитетларига ажратилган йиллик қоғоз фонди доирасида район ва шаҳар газеталарининг ҳажми ва чиқиш даврини ўзгартириш ҳуқуқи берилди.

Район ва шаҳар газеталарининг редакциялари:

асосий куч-ғайратни районлар ва шаҳарлардаги меҳнат коллективларининг партия ўртага қўйган энг муҳим халқ хўжалик, социал-сиёсий ва тарбиявий вазифаларни турмушга татбиқ этиш соҳасидаги фаолиятини ёритишга қаратсинлар. Бошланғич партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва ғоявий-сиёсий иши мазмунини чуқур очиб берсинлар. Уюшқоқлик, тартиб ва интизомни мустаҳкамлашга, меҳнаткашларнинг ғайрат-шижоатини ва сиёсий ташаббускорлигини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашсинлар;

план топшириқларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва сифатини яхшилаш, шартномавий мажбуриятларга риоя этиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақани батафсил ва атрофлича ёритиб борсинлар. Ҳамма турдаги ресурслар, материаллар, хом ашё ва энергияни тежаш, хўжалик ҳисобини, бригада пудратини ва меҳнатни ташкил этишнинг бошқа илғор формаларини жорий қилиш учун сабот билан курашсинлар;

колхоз ва совхозларнинг, агросаноат комплекси корхоналари ва ташкилотларининг Озиқ-овқат программасини бажариш соҳасидаги ишларини, қишлоқни социал-маиший ва маданий жиҳатдан қайта қуришнинг актуал проблемаларини диққат марказида тутсинлар;

совет турмуш тарзини, коммунистик ахлоқ нормаларини газетхонга тушунарли бўлган аниқ-равшан мисоллар ёрдамида тарғиб қилсинлар ва қарор топтирсинлар. Ўз характери жиҳатидан ғайри социалистик ҳодисалар бўлмиш тартибсизлик ва масъулиятсизлик, ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйин товлаш, хизмат мавқеини суиистеъмол этиш, жамоат мулкини талон-тарож қилиш, ичкиликбозлик, безорилик фактларига нисбатан муросасизлик муҳитини вужудга келтирсинлар;

Районлар ва шаҳарларнинг аҳолисини партия, совет, касаба союз, комсомол, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ишидан ва улар қабул этаётган қарорлардан, маҳаллий турмушнинг энг муҳим янгиликлари ва воқеаларидан мунтазам хабардор қилиб турсинлар;

редакцияларнинг газетхонлар, ишчи ва қишлоқ мухбирлари активлари билан алоқаларини доимо мустаҳкамласинлар, меҳнаткашларнинг таклифларига ва танқидий мулоҳазаларига эътибор билан қарасинлар. Очиқ хатлар кунлари, газетхонларнинг конференцияларини ўтказиш, партия, совет ва хўжалик, раҳбарларининг газета саҳифаларида аҳолини қизиқтирувчи саволларга жавобларни чиқариш одат тусига киритилсин.

СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига университетларнинг журналистика факультетларида ва бўлимларида таълим-тарбия жараёнини КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорлари асосида яхшилашни, уларни аввало, район ва шаҳар газеталари учун кадрлар тайёрлашга йўналтиришни назарда тутувчи тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш топширилди. Шаҳар ва район партия комитетлари, СССР Журналистлар союзининг ташкилотлари матбуотда ишлаш қобилиятини кўрсатган ишчи ва қишлоқ ёшларини журналистика факультетларига ва бўлимларига ўқиш учун аниқ мақсадни кўзлаб юборишдан кенг фойдалансинлар.

ТАССга, республикаларнинг информация агентликларига район, шаҳар, бирлашган ва округ газеталарининг редакцияларини географик зоналар ва уларнинг экономикаси хусусиятларини ҳисобга олиб, актуал ва мазмундор ахборот материаллари, суратлар билан таъминлашни тартибга солиш таклиф қилинди. Сиёсий адабиёт нашриёти билан «Мысль» нашриёти «Журналист кутубхонаси» чиқаришни ташкил этсинлар.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, ўлка, область ижроия комитетларига, СССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетига, СССР Алоқа министрлигига район, шаҳар ва бирлашган газеталарнинг моддий-техникавий базасини 1986—1995 йилларда ривожлантиришнинг ҳар бир регион учун энг оқилона схемаларини ишлаб чиқиш, зарур шароитлар мавжуд бўлган тақдирда район, шаҳар ва бирлашган газеталарни республика, ўлка, область, шаҳар ёки районлараро босмахоналарда чиқаришга астасекин ўтишни назарда тутиш ва полиграфия корхоналарини кам мосланган бинолардан янги биноларга чиқариш таклиф қилинди.

Аҳолини тобора тўла-тўкис хабардор қилиш мақсадида район ва шаҳар газеталарида реклама материаллари ва эълонлар босиб чиқаришни кенг йўлга қўйиш тавсия этилди.

*Мураббийчилик ҳаракатига кенг йўл*

Кенг, ёруғ, шинам ишлаб чиқариш участкаси. Технологик поток линиялар, программали, рақамли бошқариладиган, бир йўла бир неча операцияларни бажара оладиган станоклар ўрнатилган. Бир қарашда самарали меҳнат қилиш учун барча шароитлар мавжуд. Бунинг учун фақат истак бўлса бас. Лекин баъзида истакнинг ўзи камлик қилар экан. Жумладан, бу дастгоҳларда ишлаш кўникмасини ҳосил қилмаган, тажриба тўпламаган даврда. Ахир бундай станокларни бошқариш ҳазил гап эмас. Улар анча мураккаб. Бу дастгоҳларни бундан 4—5 йил аввал амалда бўлган станокларга ўхшатиб бўлмайди. Шу ўринда кечагина ўрта мактабни, ҳунар-техника билим юртини тугаллаб корхонага келаётган ёшларга дастлабки кезларда осон бўлмаслигини ҳис этасан, киши.

Биргина Тошкент области-




# БИРИНЧИ УСТОЗ

нинг ўзида ҳар йили минглаб йигит ва қиз ҳазрати ишчилар сафига келиб қўшилади. Улар ғайратли, ишга чанқоқ ёшлар. Шу боисдан ҳам мактабдан, билим юртидан олий ўқув юртларига эмас, қалб амри билан тўғри ишлаб чиқаришга йўл олишган. Лекин уларнинг муайян мутахассисликка бўлган қизиқишлари «романтик туйғу»дек ёки бўлмаса дастлабки қийинчилик, биринчи муваффақиятсизликдан кейиноқ ўчиб кетмаскан? Ана шу масала ҳар биримизнинг хотирамизда ёрқин сиймодек сақланиб қолган биринчи устозларимизга боғлиқ.

Бугунги кунда 40 мингга яқин ўз ишининг билимдонлари, ишлаб чиқариш новаторлари, катта ҳаётий ва иш тажрибасига эга бўлган устозлар ёшларнинг тез орада ишга киришиб кетишларига, тажриба орттиришларига ёрдам бермоқдалар. Улар нафақат иш ўргатувчи киши балки ёшларнинг энг яқин дилкаш дўстларига айланишган. Уларнинг 800 нафари Совет Иттифоқи орден ва медаллари билан мукофотланганлар, 1,5 минг мураббий эса халқ депутатлари Советларининг депутатларидир.

Мураббийчилик ҳаракати алоҳида эътибор остида бўлган, мураббийлар бор маҳоратларини ишга солиб, меҳнат қилаётган коллективларда иш унуми юқори бўлиб, кадрлар масаласи яхши ҳал қилиниши сир эмас. Бу борада В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасини намунали қилиб кўрсатиш мумкин.

Бирлашма ишчилари ва инженер-техник ходимларининг 4 мингдан зиёдроғи мураббийчилик ҳаракатининг актив иштирокчиларидирлар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Лидия Ивановна Сазонова, Алексей Иванович Ломакин, Евгений Сергеевич Халапов, КПСС ревизия комиссиясининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Назрулла Маннопов, икки марта Ленин ордени кавалери, СССР Давлат мукофотининг лауреати Иван Михайлович Басанецлар шулар жумласидандир. Социалистик мусобақанинг олдинги сафларида бораётган бу тажрибали самолётсозлар биргина шахсий планларини бажариш ташвиши билан яшамай, балки ишчи ўринбосарларни тарбиялаш масаласига ҳам кўплаб вақтларини сарфламоқдалар.

Йиғувчи слесарь Ғофир Алимуҳамедов ва слесарь Александр Железновларни мисолга олайлик. Улар доимо ишда ёшларга намуна, оғир дақиқаларида уларга ёрдам беришга тайёр. Айни пайтнинг ўзида шогирд тайёрлашда касбдошларига ибрат бўлишяпти. Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган 3 йили ичида улар 18 нафар шогирд тайёрлашди. Улар меҳнатларига яраша баҳо олдилар. Айни пайтда ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ёшлар мураббийси» нишони улар кўксини безаб турибди.

Кейинги йилларда халқ хўжалигининг турли тармоқлари бўйича мураббийларнинг область слётини ўтказиш анъана тусига кириб қолди. Слётларда мураббийчилик ҳаракатида актив қатнашаётган ишлаб чиқариш илғорларини тилга олиш билан бирга уларнинг бой тажрибаси оммалаштирилмоқда. Айниқса, тўқимачилик ва енгил саноат ходимларининг слёти мазмунли ўтди. Заргарлик ва агрегат заводларида, 1-уйсозлик комбинатида, «Узбекгидроэнергострой» трестида, Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен шаҳарлари, Коммунистик, Тошкент районларининг корхоналарида мураббийлар иштирокида кенг ҳажмдаги ишлар амалга оширилаётганлиги диққатга сазовордир.

Лекин барча корхоналарда ҳам ишчи ўринбосарлар тайёрлаш масаласига, мураббийчилик ҳаракатини жонлантиришга, уларнинг меҳнатларини моддий ва маънавий рағбатлантиришга жиддий эътибор берилаяпти, деб бўлмайди. Ҳар бир завод, фабрика, колхоз ёки совхозда, шунингдек халқ хўжалиги тармоқларида «Ёшларнинг энг яхши мураббийси» деган номни беришни йўлга қўйиш фойдадан ҳоли бўлмасди. Куни кеча область касаба союзлари советида бир группа мураббийларга ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ёшлар мураббийси» нишонини топшириш муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда ҳам шу таклиф ўртага ташланди. Бу номни бериш билан бирга «Ёшларнинг энг яхши мураббийси» моддий томондан ҳам рағбатлантириб турилиши керак.

1985 йилда стахановчилик ҳаракати бошланганига 50 йил тўлади. Бу шонли санани айниқса, мураббийчилик ҳаракати активлари меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришган ҳолда кутиб олишга ҳаракат қилаётганликлари қувончлидир. Область касаба союзлари Советида ўтказилган йиғилишда иштирок этган мураббийлар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги муносабати билан зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этиб, стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини ҳам янги зафарлар билан кутиб олишга қарор қилганликларини билдирдилар.

**А. МИРАЛИМОВ.**

**Куни кеча область касаба союзлари советида бир группа мураббийларга «Ёшлар мураббийси» нишонини топширишга бағишланган тантанали йиғилишга пионерлар ҳам меҳмон бўлиб келишди.**

**Суратда: (чапдан) пионерлар бу нишонга сазовор бўлган Тошкент лак-бўёқ заводининг ишчиси С. Ниёзов, «Узхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи Эркин Қиличов, Олмалиқ кон-металлургия комбинати механика цехининг бошлиғи Сергей Девятковга гуллар тақдим этишяпти.**

В. Портнов фотоси.

## ОЙ САЙИН

АНГРЕНДАГИ резинотехника заводи ишчи-хизматчилари ўртасида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган социалистик мусобақа тобора авж олаяпти. Корхонада бу меҳнат беллашувининг оммавийлиги ва ошкоралиги тўла таъминланган. Шунинг учун ҳам унинг самараси салмоқли бўлмоқда. Маҳсулот реализация қилиш давлат планлари ой сайин ортиғи билан адо этилаяпти.

Шу йилнинг ўтган беш ойлик топшириғи ҳам барвақт уддаланди. Қўшимча юзларча минг сўмлик турли-туман маҳсулотлар тайёрланди ва буюртмачиларга етказиб берилди. Коллектив қўлга киритаётган бу ютуқларда ишлаб чиқариш илғорларининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

**К. РАЗЗОҚОВА.**

# ЯНГИ ТАЛАБЛАРГА МУВОФИҚ

Социалистик жамиятимизнинг ҳозирги тараққиёти илм-маърифатда йирик сифат ўзгаришларга эришиш ҳаётий зарурат эканлигини тақозо этмоқда. Халқимиз томонидан қизғин маъқулланган «Умумий ўрта таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» бу муаммони ҳал этиш борасидаги тарихий программадир. Ўн йил, ҳатто ундан ҳам кўпроқ вақт давомида амалга оширилиши керак бўлган бу улкан режаларнинг мазмуни КПСС Марказий Комитетининг шу йил апрель Пленуми қарорида, ўртоқ К. У. Черненконинг шу Пленумдаги нутқида баён этилган қоида ҳамда хулосаларда, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XV пленуми кўрсатмаларида ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Пленумда қайд этилганидек ислоҳот бутун халқ маорифи системасини таркибий ривожлантириш учун шарт-шароит яратади. Шу жумладан иқтисодий, социал ва маънавий тараққиётнинг суръатларида муҳим роль ўйновчи олий мактаб ҳам такомиллашиб боради.

—Социалистик хўжалик юритиш системасини фан-техника революциясининг энг янги ютуқлари билан узвий равишда бирлаштириш учун инсоний шарт-шароит олий мактабда вужудга келтирилади, — деди ўртоқ К. У. Черненко Пленумда.

Шунинг учун ҳам партия сиёсий етук, маънавий баркамол, ташкилотчилик қобилияти шаклланган, малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Бу эса олий ўқув юртлари ректоратлари, партия ташкилотлари зиммасига профессорлар ва ўқитувчиларнинг куч-ғайратини таълим-тарбия ҳамда илмий-методик ишларни яхшилашга сафарбар қилиш, студентлар илмий тафаккури ва маркса-ленинча дунёқарашини шакллантириш, лекцияларнинг савиясини оширишдек муҳим вазифани юкламоқда.

Талабаларни Коммунистик партия ва социалистик Ватанга чексиз содиқлик, совет ватанпарварлиги ҳамда пролетар интернационализми руҳида тарбиялашни янада такомиллаштириш шу куннинг энг зарур талаби бўлиб қолди.

Бу жиҳатдан олганда бизнинг Тошкент область педагогика институтимизда бирмунча ишлар амалга оширилаётир. Институтимизда ота-оналар билан учрашув кунлари ўтиб туради. Шу йилнинг ўзида бундай давралар бир неча бор уюштирилди. Кечалардан бири «Ветеранлар, сизларни эъзозлаймиз» деб аталди. Бу даврага Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, меҳнат ветеранлари ва ота-оналарни таклиф қилдик. Эркин, самимий суҳбатда улар талабаларга бугунги фаровон кунга эришиш йўлида чеккан машаққатлари, кўп миллатли советлар оиласининг жипслиги, Армиямизнинг енгилмас, ғолиб армия эканлиги ҳақида гапириб, ёшларни оталар қўлга киритган муваффақиятларни мустаҳкамлашга, жанговар анъаналарни қадрлашга даъват этдилар.

Кейинги йилларда талабаларнинг ташаббускорлигини ошириш, уларни ҳаётда мустақилликка ўргатиш, институтимиз педагогика коллективининг асосий вазифаси бўлиб қолмоқда. Бизда ҳар йили «Ёшлар—эртанги ижодкор» деб номланган назарий-амалий семинар ўтиб туради. Бундай анжуманлар бўлажак мутахассисларнинг қобилиятини ўстириш, уларни тобора ҳаётга яқинлаштириш, институтни битиргач халқ хўжалигида оқсамасдан иш бошлаб юборишида муҳим роль ўйнамоқда.

**КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ АПРЕЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ**

Гап ишчан, малакали, билимдон мутахассислар тайёрлаш ҳақида борар экан, илмий савияни оширмай туриб бундай фазилатли кадрларга эга бўлиш қийинлигини алоҳида таъкидламоқчимиз. Шунинг учун ҳам биз студентларнинг илмий ижодкорлигини оширишга катта эътибор бердик.

Шу йил апрель ойида ўтган илмий конференцияда институт талабаларидан 90 проценти иштирок этди ва улардан 30 нафари олий ўқув юртимиз бўйича биринчи ўринни эгаллади. Қатор студентларнинг илмий ишлари эса республика ва бутуниттифоқ конференцияларига тавсия этилди ва бу анжуманларда юқори баҳо олди. Хусусан, география-биология бўлими III курс студенти Эркин Мавлонов Новосибирск шаҳрида ўтказилган студентларнинг илмий конференциясида учинчи ўринни эгаллади. Унинг «Ярим металларнинг ҳосил бўлиш йўллари» мавзуидаги докладини айрим тадқиқотчи олимларни ҳам қизиқтириб қолди. Шу бўлим III курс талабаси Маҳмуд Мамарасулов ва республика илмий конференциясида биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишлаб институтда «Математикани ўрганиш мобайнида билим ва тарбиянинг такомиллашуви» ҳамда «Студентларда меҳнат кўникмаларини вужудга келтириш» мавзуидаги шу йил май ойида ўтказилган конференциялар айниқса диққатга сазовордир. Бу анжуманда Ворошиловград педагогика институтининг профессори М. Лоповок «Математика дарсларида таълим ва тарбиянинг бирлиги», Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг профессори С. Афонина «Олий мактабларда математика ўрганишда профессионал кўникмаларнинг ҳосил бўлиши», катта ўқитувчи Ф. Зогирова «Математика дарсларида идеологик кўникмалар ҳосил қилиш» темаларидаги докладлари билан қатнашдилар. Институтимиз талабаларининг беш йилдан буён республика география олимпиадасида биринчи ўринни эгаллаб келаётганлиги ҳам бизни қувонтиради.

Партия кўрсатмаларида бўлажак мутахассисларнинг хўжаликни бемалол бошқараоладиган, меҳнат жараёнини яхши биладиган, Озиқ-овқат программасини бажаришга катта ҳисса қўшадиган кадрлар бўлиб етишувига алоҳида эътибор берилган. Бу эса студентлардан кўпроқ меҳнат қучоғида бўлишни талаб қилади. Бизнинг йигит-қизларимиз бу талабларга жавоб бераоладиган ёшлардир. Улар ҳозир Оҳангарон ва Бўка районларида чорвадорларга ем хашак жамғариш ишида ёрдам беряптилар. Шу кунгача ёшлар кучи билан 400 тонна қуруқ хашак йиғиб қўйилди. Ўз кучимиз билан қураётган «Лимонарий» комплексининг бу йил фойдаланишга топширилишида албатта, талабаларимиз ҳиссаси салмоқли. Институтда унча катта бўлмаган ёрдамчи хўжалик ҳам мавжуд. Бу ерда 50 бошдан ортиқ қўй ва эчкилар боқилмоқда. Ана шу хўжалик ишларини йўлга қўйишда талабалар асосий кўмакчиларимиз ҳисобланишади.

КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленумида ҳали олий ўқув юртлари амалга ошираётган ишлар кўнгилдагидек эмаслиги, уларни замон талаблари даражасига кўтариш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Биз Пленум кўрсатмаларидан келиб чиқиб, институтда билимлар савиясини ошириш, студентларнинг сиёсий-ғоявий тарбиясини юқори даражага кўтариш, уларнинг малакали ва ташкилотчи мутахассислар бўлиб етишишларини таъминлаш йўлида астойдил ҳаракат қиламиз. Профессорлар, педагогларимизнинг бутун куч-ғайрати, малакаси ва маҳорати халқ хўжалигимиз учун етук кадрлар тайёрлашга қаратилади.

**С. НОСИРХЎЖАЕВ,**
**Тошкент область педагогика институти ректори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.**

**Д. ТЎХЛИЕВ,**
**биология фанлари кандидати, доцент.**

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮНЬ (1983 ЙИЛ) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

# МАҲОРАТ ВА МАЛАКАНИ ОШИРИБ

**ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ЖУРНАЛИСТ МАҲОРАТИ МАКТАБИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИГА 10 ЙИЛ ТЎЛДИ**

Куни кеча мактаб машғулотларида одатдагидек ишчанлик вазияти ҳукм сурарди. Партия ходимлари, Тошкент Давлат университети журналистика факультетининг ўқитувчилари, тажрибали журналистлар тингловчилар олдида лекциялар билан чиқдилар. Машғулот охирида эса улар ўзига хос тантанаворликни ҳис қилдилар. Бу тушунарли эди: ўқув йили тугади, область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев тингловчиларга мактабни тугаллаганликлари тўғрисидаги гувоҳномани топширар экан, КПСС Марказий Комитетининг, «Район ва шаҳар газеталарининг фаолиятини янада яхшилаш тўғрисида» яқиндагина қабул қилган қарорига тўхталиб, бу муҳим ҳужжат муносабати билан журналистлар олдида турган катта вазифаларни кўрсатиб берди.

Область партия комитети бундан 10 йил муқаддам Ўзбекистон Журналистлар союзи Тошкент область ташкилоти билан биргаликда 1 йиллик журналист маҳорати мактабини ташкил этган эдилар. Тингловчилар дастлабки машғулотлардан бошлаб қизиқарли лекцияларни мароқ билан тингладилар, фойдали амалий машғулотларда фаол иштирок эта бошладилар, ўзаро тажриба алмашиб турдилар.

Бу мактабда «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» область газеталари, шаҳар, район, кўп нусхали газеталар, область телевидение ва радиоэшиттиришлари редакцияларининг ижодий ходимлари, шаҳар ва район радиоэшиттириш редакцияларининг редакторлари, шаҳар ва район партия комитетларининг масъул ходимлари шуғулланишяпти.

Мактаб ташкил этилгандан буён ўтган давр ичида бу ерда газеталарнинг редакторлари ва уларнинг ўринбосарлари, масъул секретарлар, бўлим мудирлари навбат билан маҳорат ва малакаларини оширмоқдалар. Журналистлар билан биргаликда шаҳар ва район партия комитетлари пропаганда ва агитация бўлимларининг мудирлари, уларнинг ўринбосарлари, бошқа партия ходимлари шуғулланишади. Бу партия ходимларига журналистлар иш хусусиятлари билан чуқурроқ танишиш, келгусида эса оммавий ахборот ва пропаганда воситаларига партиявий раҳбарликни янада малакалироқ, моҳирона амалга ошириш имконини беради.

Мактаб тингловчилари Тошкент Давлат университети журналистика факультети, Тошкент олий партия мактаби ўқитувчилари, олимлар, республика оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг раҳбарлари, етакчи журналистларнинг лекцияларини тинглайдилар. Улар тингловчиларни партия-совет матбуоти тарихи, назарияси ва практикаси, оммавий ахборот ва пропаганда воситаларига партиявий раҳбарлик қилиш масалалари билан таништирадилар, журналистика маҳорати «сир»ларини тушунтириб берадилар.

Баъзи пайтларда машғулотларда қизғин, айни вақтда бевосита ишга тааллуқли баҳслар авжига чиқади. Айниқса, бу, жумладан, шаҳар ёки район газетасининг қиёфаси қандай бўлиши керак, редакция секретариати ишини ташкил этиш, газетада фотосурат сингари журналистика касбига оид масалаларни муҳокама этишда, шаҳар ва район газеталарини тематик обзор қилиш пайтларида содир бўлади деярли ҳар бир машғулотга ана шундай обзорлар махсус тайёрланади.

Кўпгина редакция коллективлари КПСС Марказий Комитети июнь ва декабрь (1983 йил), февраль ва апрель (1984 йил) Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, матбуотнинг ҳар бир чиқиши область халқ хўжалиги барча тармоқларини ривожлантиришга самарали таъсир кўрсатиши учун ижодий изланмоқдалар. Бу ҳисобга олинган ҳолда журналистлар маҳорати мактаби программасига область партия комитети секретарлари ва бўлим мудирларининг, хўжалик раҳбарлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг лекциялари киритилган. Улар журналистларга саноат, қурилиш, транспорт ва алоқани, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, корхоналарни реконструкция қилиш ва техника жиҳатидан қайта қуроллантириш, ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини жорий этиш тўғрисида ҳикоя қилиб берадилар, бригада пудрати усулида ишлаш соҳасидаги тажрибалари билан ўртоқлашадилар.

Журналист маҳорати мактаби ташкил этилгандан буён ўтган 10 йил мобайнида бу ерда редакцияларнинг, шаҳар ва район партия комитетларининг ходимларидан салкам 400 киши ўз маҳоратлари ва малакаларини оширди. Журналистларнинг ижодий фаолиятини диққат билан кузатар, уларнинг мақола ва корреспонденцияларини ўқир, эшиттиришларни тинглар эканмиз улар ҳар ойда ўтказилиб туриладиган машғулотларда вақтларини беҳуда ўтказмаётганликларига тобора кўпроқ ишонч ҳосил қилмоқдамиз.

Партия матбуоти назарияси ва практикасини узвий боғлиқ ҳолда ўрганишни кўзда тутаётган системали, аниқ мақсадга қаратилган ўқувнинг етакчи журналистларнинг тажрибаси, область газеталари редакцияларида амалий машғулотлар ўтказиш билан бойитилаётганлиги яхши натижалар бермоқда. Тингловчилар мактабдан катта ижодий илҳом олмоқдалар. Бу уларнинг ғоявий, назарий ва маданий савияларини оширишга, касб маҳоратларини чуқурлаштиришга кўмаклашяпти. Область, айниқса, шаҳар ва район газетачилари учун бундай ўқувнинг аҳамияти жуда каттадир. Газеталар саҳифаларида шаҳар ва районлар, меҳнат коллективлари ҳаётининг муҳим масалаларига бағишланган очерклар, проблемали ва танқидий материалларнинг тез-тез пайдо бўлаётганлиги ҳам ўқув самарасидир.

Бу мактаб журналистлар ўқувининг ягона формаси эмас, албатта. Областимизда 19 та шаҳар ва район, 50 тага яқин кўп нусхали газеталар нашр этилмоқда, Тошкент шаҳар ва области учун эшиттиришлар олиб бораётган телевидение ва радио ишлаб турибди. Шаҳар ва районларда 20 та радио редакцияси маҳаллий эшиттиришлар олиб боради. Уларда журналистларнинг катта отряди меҳнат қилмоқда. Бу журналистлар область партия ташкилотининг жанговор ёрдамчилари бўлишга ҳаракат қилмоқдалар, ишчи-қишлоқ мухбирларининг кўп минг кишилик армиясини ўз орқаларидан эргаштириб бормоқдалар. Уларнинг ўқувини ташкил қилиш, ғоявий-сиёсий ва касб маҳоратларини ошириш учун областимизда анча мукаммал система таркиб топган. Редакциялар коллективларида мураббийчилик ҳаракати, журналистлар стажировкасини ўтказиш, летучкаларда партия ходимларининг иштирок этишлари, шаҳар ва районлар раҳбарларининг журналистлар билан мунтазам учрашиб туришлари ва уларни янгиликлардан хабардор қилишлари сингари ўқув формалари яхши натижа бермоқда.

Редакциялар ходимлари область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетлари, Ўзбекистон Журналистлар союзи томонидан ташкил этилаётган семинарларда актив иштирок этмоқдалар, партия ва совет ходимлари малакасини ошириш областлараро ва республикалараро курсларда шуғулланмоқдалар. Область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетларида редакциялар фаолиятининг турли томонларини ўрганиш ва кўриб чиқиш ҳам журналистлар учун ўзига хос ўқув ҳисобланади.

Шундай бўлсада, журналист маҳорати мактаби бундай ўқувларнинг энг барқарор ва самарали формаси деган фикрдамиз. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бу мактабдаги ўқув журналистларнинг ғоявий-сиёсий ва касб тайёргарликларини яхшилашга кўмаклашяпти.

Журналистика кўп маънавий куч-ғайрат талаб этадиган жанговар ишдир. Лоқайдликнинг, белгиланган мақсадларга эришишга халақит берадиган камчиликларга юзаки муносабатда бўлишнинг ҳар қандай кўринишлари ленинча принциплар ва анъаналарга мутлақо зиддир. Шунинг учун ҳам мактабимиз ўз тингловчиларини жанговарликка, принципиалликка ўргатади, журналистларни ҳар бир чиқишларининг бадиий савияси пухта, мазмуни чуқур, шакл жиҳатидан содда ва ёрқин бўлишига йўналтириб туради. Бундай чиқишлар кишиларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларнинг онглилигини, сиёсий маданиятлари ва ғоявий эътиқодларини оширишга кўмаклашади.

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумида партия пропагандасининг самарадорлиги, идеология фронти бошқа участкаларидаги ишнинг аҳволи кўп жиҳатдан матбуот, телевидение ва радио фаолиятига боғлиқлиги таъкидланди. Шунинг учун биз ҳар бир машғулот тингловчиларга партиянинг экономика, фан, маданиятни янада ривожлантириш соҳасида олдимизга қўяётган вазифаларини тезкорлик билан кенг оммага етказишга, матбуот учун асосий масала — ҳар бир чиқишнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш, бу чиқишларнинг газетхонлар онги ва қалбига таъсир кучини кўпайтириш масаласини муваффақиятли ҳал этишга кўмаклашиши учун ҳаракат қиляпмиз.

**Ш. МИРАЛИМОВ,**
**Тошкент область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари, журналист маҳорати мактаби советининг раиси.**

